DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7628428 Pages: 1-17



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ГЛОБАЛ ИННОВАЦИЯЛАР ИНДЕКС РЕЙТИНГИДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ЎРНИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ОИД ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Ҳайдаров Нурбек
Ўзбекистан Республикаси Инновацион ривожланиш агентлиги,
Бўлим бошлиғи,мустақил тадқиқотчи,
Пирматов Баркамолжон
Инновацион ривожланиш агентлиги
бош мутахассис, мустақил тадқиқотчи,

Калит сўзлар: глобал инновационindeкс, инновация,индикатор, рейтинг,стратегия, инфратузилма,институт, стартап, ислоҳот.

Аннотация: Мазкур мақолада давлатимизнинг 2022 йилда Глобал инновацион индекс рейтингидаги ўрни, халқаро рейтингда мамлакатимизни поғонасини янада ошириш бўйича амалга оширилган ишлар, ютуқлар билан бир қаторда қандай камчиликлар натижасида рейтингда юқори кўтарилишга тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари батафсил ёритилган.

PROPOSALS AND RECOMMENDATIONS FOR IMPROVING THE POSITION OF OUR COUNTRY IN THE GLOBAL INNOVATION INDEX RATING

Key words: innovation, global innovation index, indicator, ranking, strategy, infrastructure, institution, startup, reform.

Annotation: This article describes in detail the role of our country in the Global Innovation Index in 2022, the work done to further improve the country's position in the GII ranking, as well as the problems and shortcomings that impede the rise in the ranking, as well as ways how to solve them.

ПРЕДЛОЖЕНИЯ И РЕКОМЕНДАЦИИ ПО УЛУЧШЕНИЮ ПОЗИЦИЙ НАШЕЙ СТРАНЫ В РЕЙТИНГЕ ГЛОБАЛЬНОГО ИННОВАЦИОННОГО ИНДЕКСА

Ключевыеслова: глобальный индекс инноваций,инновации**,** индикатор,рейтинг, стратегия, инфраструктура,институт, стартап, реформа.

Аннотация: В данной статье подробно описывается роль нашей страны в 2022 году Глобальном инновационном индексе, проделанная работа по дальнейшему повышению позиций страны в рейтинге, а также проблемы и недостатки, препятствующие подъему

Халқаро рейтинглар давлатнинг ривожланиш жараёнининг ўзида акс эттириб, давлатдаги бошқарувини мукаммаллиги, аҳоли турмуш яшаш даражаси, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилингани, бизнес юритиш учун яратилган қулай муҳит каби сингари муҳим жиҳатларни акс эттиради.

Рейтинг сўзи маъносига эътибор берадиган бўлсак, рейтинг инглизча сўз бўлиб, у муайян объект ёки ҳодисанинг муҳим ёки аҳамиятини тавсифловчи рақамли ёки тартибли кўрсаткичдир, яъни энг юқори баҳога эга объектлар ёки ҳодисалар рўйхатдир.

Илк марта тарихда рейтинг пайдо бўлиши тарихи XIX асрга бориб тақалади. Биринчи рейтинг агентликлари АҚШда пайдо бўлган, жумладан Moody`s Investors Service ва “Standard & Poors” (қисқартирмаси - Moody's) рейтинг агентликларидир. Илк рейтинг агентликларнинг асосий вазафаси давлат, шаҳар, банк, йирик компаниялар, қимматли қоғозлар ҳамда банклар сингари ихтисоликда рейтингларини тузган. Moody's халқаро рейтинг шкаласи ва уни шакллантириш тамойиллари бугунги кунгача кредит рейтинглари учун сақланиб қолган ва бошқа агентликлар томонидан қўлланилади.

Ўтган 5 йил мобайнида Республикамизда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш, илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга оширилди, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асослари тубдан янгиланди ҳамда дунё илм-фани ва инновацион ривожланиши тенденциялари асосида замонавийлаштирилди.

Инновациялар барча иқтисодиётларда ривожланиш ва динамикликнинг асоси бўлиши ва рақобатбардошликни белгиловчи ҳамда мамлакатнинг ишлаб

чиқариш даражасини шакллантирувчи омилдир. Инновациянинг муҳим роли туфайли, компаниялар инновацияларга кенг маънода жорий этиш, шу жумладан янги технологиялар ва янги бизнес шакллари жорий этилиши, миллий рақобат компанияларга инновацион босимни келтириб чиқаради.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясида давлатимизни 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига кириш бўйича улкан мақсад қўйилди.

Ушбу мақсадни амалга оширишнинг асоси илм-фан соҳасини замонавий иқтисодий шароитларга мослаштириш ҳисобланади, бу эса ўз навбатида кучли норматив-ҳуқуқий асос билан тартибга солинадиган, илм-фаннинг тузилмавий, ташкилий, кадрлар, инфратузилма ва молиявий жиҳатдан ривожлантиришда туб ўзгаришларга олиб келиши белгиланган.

Ўткан даврда мамлакатимизда инновацион экотизимни шакллантириш ва ривожлантиришнинг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилиб, 80 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси сингари энг муҳим ҳужжатлар тасдиқланди. Шу қаторда «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида», «Инновацион фаолият тўғрисида», «Таълим тўғрисида» ги қонунлари қабул қилинди.

Ўтган 2019-2022 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси доирасида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида илм-фан соҳасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми 3 бараварга ошди, ёш олимлар сони 6,5 минг нафардан 10,8 минг нафаргача етди.

Инновация ва илм-фан соҳаларига давлат бюджетидан ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажми 3 бараварга ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш хажми 3,5 баробарга оширилди, хусусан маблағларнинг 40 фоизи зарурий асбоб-ускуналар, реагент ва материаллар харидига йўналтирилди. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий даражасига эга ходимларнинг базавий лавозим маошлари 3,2 баробарга оширилди ҳамда мақсадли кўрсатгичларга асосан ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди.

Ёш олимлар сони 2018 йилда 6,5 минг нафар бўлган бўлса, 2022 йилда улар 10,8 минг нафарни ташкил этди, яъни бир ярим баробарга ўсди.[1]

Инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмаларни шакллантириш бўйича ўтган даврда республикамизда жами 18 та инновацион инфратузилма объектлари ишга туширилди.

Ҳудудларнинг илмий ва инновацион салоҳиятини ошириш бўйича Республикамизда 28 та инновацион ҳудуд белгиланди ҳамда ушбу туманларда ҳокимининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

Барча вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик ташкилотларнинг раҳбар ўринбосарларига инновацияларни жорий этиш (Chief Innovation Officer) вазифаси юклатилди, шунингдек инновацион фаолият билан шуғулланишга масъул бўлинмалар ташкил этилди.

Республика миқёсида барча ихтисосликлар бўйича таянч докторантура ва докторантурага давлат бюджети ҳисобидан қабул квоталари 2 бараварга оширилди.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикасини 2019–2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегияси доирасида олиб борилган ислоҳотлар натижасида Республикамиз Глобал инновацион индексга 5 йиллик танаффусдан сўнг 2020 йилда 29 та поғона кўтарилиб 93 ўринни ва 2021 йилда 7 та поғона кўтарилиб, 132 та давлат орасида 86 ўринни эгаллади.

2022 йилда Глобал инновацион индекс рейтингида Ўзбекистон ўтган йилга нисбатан 4 та поғонага кўтарилиб, 132 та давлат орасида 82-ўринни эгаллади· [2]

Давлатларнинг ГИИдаги йиллар доирасида ўсиш жадвали

	Давлатлар	**2015 йил (141 та давлат)**	**2020 йил (131 та давлат)**	**2022 йил (132 та давлат)**
.	Швейцария	1	1	1
.	Англия	2	4	4
.	Сингапур	7	8	7
.	Жанубий Корея	14	10	6
.	Хитой	29	14	11
.	Япония	19	16	13
.	Россия	48	47	47
.	Қозоғистан	82	77	83
.	Ўзбекистан	**122**	**93**	**82**
0.	Қирғизистон	109	94	94
	Миср	100	96	89

1.				
2.	Тожикистон	114	109	104

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, Швейцария дунёда биринчи ўринни бермасдан келаётгани, бу борада мамлакатимизнинг ГИИдаги ўрни ҳар йиллар кесимида ўсиш бўлаётганини кузатиш мумкин. Индексда мамлакатимиз илк бор 2015 йилда киритилиб, 141 та мамлакат ичида 122-ўринни эгаллаган. 2021 йилда республикамиз 132 та дунё мамлакатлари ичида 86-ўринга (+36) кўтарилган.

2022 йилги рейтингда Арманистон – 80 (▼11), Беларусь – 77 (▼15), Озарбайжон – 93 (▼13), Қозоғистон – 83 (▼4), Россия – 47 (▼2), Корея – 6 (▼1), Тожикистон 104 (▼1) сингари давлатларда пасайиш кузатилган бўлса, Қирғизистон – 94 (▲4), Хитой –11 (▲1), Туркия – 37 (▲4) каби давлатларда юқорилаш ҳолати кузатилган.

Мазкур индексда мамлакатлар 4 та даромад гуруҳига бўлинган (юқори даромад, юқори ўрта даромад, қуйи даромад ва паст даромад), Ўзбекистон ўз гуруҳида (қуйи ўрта даромад) 36 та давлат ичида 10-ўринни эгаллади.

Мазкур индексда, бу йил Ўзбекистон илк бор минтақалар бўйича инновацион иқтисодиётлар таснифида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлар орасида Ҳиндистон ва Эрондан кейин 3-ўринни эгаллади.[3]

Глобал инновацион индекс - дунё давлат ўртасидаги ҳар йил эълон қилинадиган инновациялар соҳасидаги рейтинг бўлиб (2022 йилда 132 та давлатни қамраб олган), у иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида бўлган мамлакатларнинг даражасини баҳоловчи глобал инновацион тадқиқотдир. Мазкур рейтинг 2007 йилдан буён Корнелл университети, Европа бизнесни бошқариш институти ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан ўрганилади. ГИИ 7 та йўналиш ва 21 та гуруҳда бўлинган 81 та кўрсаткичлар қамраб олгандир. ГИИ маълумотларни 15 та халқаро индекс, 4 та Жаҳон иқтисодиёт форуми томонидан

ўтказиладиган сўровномалар ва 61 та кўрсаткичларга тегишли миқдорий статистик маълумотларни тадқиқ этиш йўли билан ҳар йилнинг октябр ойидан кейинги йилни феврал ойига қадар давлатларни ўрганади.

Таҳлил ва натижалар

ГИИнинг 2022 йилдаги ҳисоботида Ўзбекистоннинг ҳолати:

1. "Инновацияларни жорий этиш учун мавжуд ресурслар ва шароитлар" (innovation input) субиндексида 68-ўринни (+7), "Инновацияларни жорий этишда эришилган амалий натижалар" (innovation output) субиндексида – 91-ўринни (+9) эгаллаган;

2. ГИИнинг жами 7 та йўналишнинг 4 тасида ("бошқарув институтлар сифати", "инсон капитали ва илмий тадқиқотлар фаолияти", "бизнесни ривожлантириш" ва "ижодий маҳсулотлар") ўз ўрнини яхшилаган бўлса, 3 тасида ("инфратузилма", "бозор ривожланиши", "илм-фан ва технология") натижалар пасайган;

3. ГИИнинг жами 81 та индикаторнинг 35 таси бўйича ўрни кўтарилган, 7 таси – ўзгармаган, 25 таси – пасайган, 14 таси – маълумот берилмаган ёки янги киритилганлиги учун ўрни аниқланмаган

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

2022-2026 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясида мамлакатимиз 2026 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 56 та илғор мамлакати қаторига киришига эришишни бош мақсад қилиб қўйган, юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқсак рейтингда янада юқорилаш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш зарур бўлади.

Бу борада 2022-2026 йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Глобал инновациялар индексида ўрнини янада юксалтириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизнинг ГИИда ўрнида юксалтириш стратегиясини ишлаб чиқишда жаҳоннинг илғор мамлакатларини инновацион фаолиятга берилаётган имкониятлари билан ўрганилди.

Бунда Швеция Туркия Финландия БАА ва қатор етакчи давлатларнинг миллий инновацион экотизимини яратиш стратегиялари кенг ўрганиш зарурдир, мисол учун Туркия давлати томонидан “Туркиянинг 2021-2023 йилларда Глобал инновацион индексда харакатланиш режаси ва стратегияси” алохида ажралаб туради.[4]

Мазкур стратегиянинг бош мақсади қилиб иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион экотизимни ўрнини янада ошириш ва илмий тадқиқотларни бўлган эътиборни кучайтириш асосий вазифа этиб белгиланган. Биргина мисол 2020 йилда ишлаб чиқилган ушбу стратегиядан кўп ўтмай 2021 йилда 2020 йилга нисбатан Туркия рейтингда ўсиш 10 поғонани ташкил этди, 41-ўринни эгаллади, 2022 йилда 37-ўрин қайд этилди. Мазкур статегияда ГИИ да маълумот берилмаган ва эскирган маълумотлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларга қатъи муддатлар билан чоралар кўриш белгилангани, ГИИ рейтингини ҳар бир банди билан тегишли соҳадаги ташкилотлар томонидан вазифани юқори даражада бажарилиши, тизимли равишда мамлакатни рейтингда ўсишига сабаб бўлмоқда.[5]

Умуман олганда Туркия давлатининг стратегияда ёритилган маълумотларни чуқур таҳлил этиш мамлакатимизнинг ГИИ даги ўрнини яхшилаш мақсадида “2023-2026 йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Глобал инновациялар индексида ўрнини янада юксалтириш стратегияси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Таклифлар

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизни рейтингда ўрнини яхшилаш учун қуйидаги таклиф ва тавсиялар хам инобатга олинса, давлатимизни 2026 йилда жаҳоннинг 55 та илғор мамлакати қаторига киришига замин яратади. Жумладан:

Бутунжахон интеллектуал мулк ташкилоти билан республикамизни индексдаги ўрнини яхшилаш бўйича мунтазам ўзаро учрашувлар, маслаҳатлашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш ҳамда республикамизда илм-

фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида уларнинг хабардорлигини ошириш;

Индекснинг 2022 йил ҳисоботида Ўзбекистон паст натижаларга эришилган 10 та индикаторлар билан ишлашни кучайтириш, қуйидаги жадвалда мисол учун таълим учун давлат ҳаражатлари (ЯИМ дан %) ўрни ЮНЕСКОнинг статистик маълумотлари асосида ўрганилган, унда 2021 йил 28 ўрин бўлган бўлса, 2022 йил рейтингда 45- ўринда пастлагани кузатиш мумкин.

Индекснинг 2022 йил ҳисоботида Ўзбекистон салбий натижаларга эришилган индикаторлар

	№	**Индикатор номи**	**Тузувчи ташкилот**	**2021 й. ўрин**	**2022 й. ўрин**	**Фарқи**
1.	2.1.1	Таълим учун давлат ҳаражатлари (ЯИМ дан %)	ЮНЕСКОнинг статистик маълумотлари	28	45	**-17**
2.	4.3.2	Маҳаллий саноатнинг ҳилма-ҳиллиги	Бирлашган Миллатлар ташкилотининг саноатни ривожлантириш ташкилоти	22	37	**-15**
3.	1.3.1	Бизнесни йўлга қўйишнинг соддалиги	Жаҳон банки	8	22	**-14**

4.	7.1.3	Келиб чиқиши бўйича саноат намуналари	Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти	69	82	**-13**
5.	6.2.4	ISO 9001 сифат сертификатлари	Халқаро стандартлаштириш ташкилоти	83	92	**-9**
6.	6.1.1	Келиб чиқиши бўйича патент буюртманомалари	Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти	47	56	**-9**
7.	3.3.3	ISO 14001 бўйича экологик сертификатлар	Халқаро стандартлаштириш ташкилоти	116	125	**-9**
8.	7.3.4	Мобил иловалар яратиш	App Annie Intelligence	99	107	**-8**
9.	3.3.1	Энергия ресурсларидан фойдаланиш бирлигига нисбатан ЯИМ	Халқаро энергетика агентлиги Жаҳон энергия баланси маълумотлар хизмати	110	118	**-8**
10.	6.3.2	Ишлаб чиқариш ва экспортнинг мураккаблиги	The Atlas of Economic Complexity Index Иқтисодий мураккаблик индекси	79	85	**-6**

Индекснинг 2022 йил ҳисоботида маълумот тақдим этилмаган 14 та индикаторлар доирасида тегишли вазирлик ва идоралар кесимида ишларни ташкил этиш;

Вазирликлар ва идоралар томонидан ўзларига тегишли индикаторлар бўйича халқаро ташкилотларга тақдим этилган маълумотларни “Очиқ маълумотлар портали”да акс эттириш;

Давлат инвестиция дастури ва ҳудудий ривожланиш дастурларида илм-фанга асосланган соҳалардаги янги лойиҳалар ва корхоналар сонини ошириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқлари сирасига киритиш;

“Компьютер дастурий таъминотига харажатлар” кўрсаткичи бўйича маълумотларни шакллантирувчи халқаро ташкилот билан мулоқотни йўлга қўйиш, ушбу индикаторнинг методологияси асосида маълумотларни Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш;

Ташқи бозорларда харидоргир бўлган миллий маҳсулотларни алоҳида бренд сифатида шакллантириш орқали мамлакатимизнинг бренд-имиджини яхшилашни кўзда тутувчи 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш;

Илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари томонидан яратилган илмий ишланмалар ва рационализаторлик таклифларни тижоратлаштиришга кўмаклашиши тизими ҳамда университетларда “стартап ва тадбиркорлик” дастурини жорий қилиш;

Бундан ташқари тадбиркорлик ва бизнесни бошқариш соҳаларининг зарур кўникмаларини ривожлантириш учун инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ўқув дастурларини амалга ошириш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва инновация ишларини амалга оширувчи маҳаллий компаниялар эҳтиёжлари учун давлат грантларини ажратиш;

Интернет хостинг хизматларида ўзбек тилидаги видеоматериаллар (OTT video) кўпайтириш ҳамда видеопорталлар серверларини мамлакатимизда жойлаштириш чораларини кўриш, бунда ушбу видеопорталлар ва хостинг компанияларига маҳаллий серверлардан

фойдаланишда мослашувчан маркетинг усуллари орқали рағбатлантириш амалиётини жорий қилиш;

«Тубдан янгиловчи» инновацияларга асосланган янги ишлаб чиқариш ва ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш орқали саноатнинг самарадорлиги ва ҳажмини ошириш;

Умуман олганда Мамлакатда ўзаро манфаатдорлик, рағбат ва рақобатга асосланган «инновация — капитал — инновация» циклик жараёнини таъминлаш ҳамда бу жараёнда ишланма эгаси, тадбиркорлар ва инвесторларнинг мулкка эгалик ҳуқуқини кафолатлаш сингари таклифларни амалга ошиш зарурдир.

Хулоса

Юқорида кайд этилган таклифлар, яъни рейтингда киртилмаган 14 та индикаторлар доирасида тегишли вазирлик ва идоралар кесимида ишларни янада кучайтириш, барча вазирликлар ва идоралар томонидан ўзларига тегишли индикаторлар бўйича халқаро ташкилотларга тақдим этилган маълумотларни “Очиқ маълумотлар портали”да тизимли равишда акс эттириб бориши, паст натижаларга эришган 10 та индикаторлар билан ишларни манзилли олиб борилса, энг муҳими Туркия тажрибасидан келиб чиқиб, 2023-2026 йиллардаги Ўзбекистон Республикасининг Глобал инновациялар индексида ўрнини янада юксалтириш стратегиясини қабул қилиш, унда барча индикаторлар билан ишлашни аниқ механазмларини белгилаб ўтилса, 2026 йилга келиб мамлакатимизни 56 та илғор мамлакати қаторига киришига замин яратишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда Ўзбекистон учун асосий мақсадлардан бири ислоҳотлар натижалари асосида кейинги йиллар давомида иқтисодиётни инновацион ёндашув асосида барқарор ривожлантириш бўйича йўналишларни белгилаш. Бунда Глобал инновация индекси ва бошқа шу каби халқаро рейтинглар Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг амбицияларини реал баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилади ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имижини янада кўтариш,

хорижий компанияларнинг давлатимизга инвестициялари оқимини янада ошишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон Фармон

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сонли Фармони.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори. https://lex.uz/docs/4215422.